

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2026 йил 7 апрель куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг кассация инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: Ф.Тураходжаев, ҳайъат судьялари: Ж.Одилов ва Б.Жураевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Олимовнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Ш.Шомирзаев, судланган Д.Абдуллаевнинг ҳимоячиси – адвокат Ш.Машарипованинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2025 йил 18 декабрдаги

Абдуллаев Дилмурод Абдуллаевич (Abdullayev Dilmurod Abdullayevich), 1983 йил 28 майда Наманган вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2010 йил 18 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б, в” бандлари, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳамда 1.009.350 сўм жарима жазосига судланган;

2) жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2010 йил 24 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддасининг 2-қисми “б” банди, 228-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 59, 60, 61-моддалари тартибида 1.009.350 сўм жарима ҳамда 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

3) жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2014 йил 22 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” бандлари билан ЖК 60,61-моддалари тартибида 1.009.350 сўм жарима ҳамда 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

4) жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2014 йил 22 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 228-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси, 59-моддаси 8-қисми, 61-моддалари тартибида 1.009.350 сўм жарима ҳамда 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

5) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2015 йил 23 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК



168-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми, 61-моддаси тартибида 1.009.350 сўм жарима ҳамда 8 йил 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

б) жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2016 йил 23 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси, 59-моддаси 8-қисми тартибида 1.009.350 сўм жарима ҳамда 8 йил 8 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 2017 йил 12 сентябрдаги ажрими билан ўталмай қолган 3 йил 2 ой 18 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

7) жиноят ишлари бўйича Учқўрғон туман судининг 2018 йил 10 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида 1.009.350 сўм жарима ҳамда 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган; жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2020 йил 10 декабрдаги ажримига кўра, жарима жазоси ЖКнинг 44-моддасига асосан 9 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиб, узил-кесил ўташ учун 6 йил 9 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

8) жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2019 йил 15 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида 1.009.350 сўм жарима ҳамда 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2020 йил 10 декабрдаги ажримига кўра, жарима жазоси ЖКнинг 44-моддасига асосан 9 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиб, ўталмаган жазосига қўшиб, узил-кесил ўташ учун 6 йил 9 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2024 йил 12 июндаги ажримига асосан ўталмай қолган 2 йил 11 ой 11 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ЖК 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

9) жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2025 йил 2 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 6 (олти) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖК 34-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан ўта хавfli рецидивист деб



топилган, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати кассация инстанциясининг 05.08.2025 йилдаги ажримига кўра жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2025 йил 2 майдаги ҳукми ўзгартирилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида тайинланган жазога илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан “ўта хавфли рецидивист” деб топиш қисми чиқарилган;

10) жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2025 йил 8 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари ва 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 59, 59-моддаси 8-қисми тартибида 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Сирдарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати кассация инстанциясининг 15.12.2025 йилдаги ажримига кўра жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2025 йил 8 июлдаги ҳукми ўзгартирилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61,59-моддаси 8-қисми тартибида тайинланган жазога илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 (беш) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК ЖК 34-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган;

Наманган вилояти, Наманган шаҳар, Кўкон кўчаси, 116-уйда яшаган, 2025 йил 22 март куни ЖПК 221-моддаси тартибида ушланган, 2025 йил 23 март кунидан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 25 март куни олган

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари А.Азимов томонидан келтирилган кассация протести асосида 1-1008-2502/683-сон жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2025 йил 18 декабрдаги ҳукмига кўра, Д.Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 4-қисмининг “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, мазкур модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади



ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖК 59-моддасининг 8-қисми ҳамда 61-моддаси тартибида ўташ учун 5 йил 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Д.Абдуллаев Сирдарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати кассация инстанциясининг 15.12.2025 йилдаги ажримига кўра асосан ўта хавфли рецидивист деб топилганлигини инобатга олиниб, тайинланган жазо махсус тартибли колонияларда ўташлик белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Д.Абдуллаев ўта хавфли рецидивист бўлгани ҳолда алдаш ва ишончни суиистемол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани такроран, жўда кўп миқдорда қўлга киритиш мақсадида, 2025 йил 30 январь куни Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Мажнунтол МФЙ, Қўқон кўчаси, 116-уйда бўла туриб, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги “ОЛХ” ижтимоий тармоғига олдиндан ўзининг эгалигида ёки фойдаланувида умуман мавжуд бўлмаган, қора рангли “Малибу 2” русумли автоуловни фотосуратини жойлаштириб ва ушбу автоуловни сотилиши ҳақида ёлғондан эълон бериб, ўзига олдиндан таниш бўлмаган фуқаро Одилов Акбар Сувоновичга автоуловни гўёки ўзига тегишли эканлиги ва мазкур автоуловни жами 24.000 АҚШ доллари сотишини айтиб, шу орқали унинг ишончига кириб, алдаб, А.Одиловдан бошланғич тўлов сифатида 1.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни қўлга киритишга эришиб, қолган пулларни автоуловни А.Одиловни номига расмийлаштириб бериш жараёнида олишини айтиб, автоуловни унинг номига расмийлаштириб бермасдан, қўлга киритилган пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2025 йил 30 январь кунидаги маълумотига кўра 1 АҚШ доллари 12.974.98 сўмга тенглиги, 24.000 АҚШ доллари 311.399.520 сўмни ташкил этиши аниқланган.

Прокурор кассация протестида, Д.Абдуллаевнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 4-қисмининг “б” банди билан нотўғри квалификация қилинганлиги ҳақида важлар келтириб, суд ҳукмини ўзгартиришни сўраган.

Судлов хайъати, иш бўйича судья Ф.Тураходжаевнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Ш.Шомирзаевнинг суд ҳукмини ўзгартириш ҳақидаги хулосасини, судланган Д.Абдуллаевнинг ҳимоячиси – адвокат Ш.Машарипованинг кассация шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.

Суд ишни ҳал этиш жараёнида иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни тўғри ва ҳолисона аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддаларида назарда тутилган қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда жиноят ишини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона ўрганиб чиққан ҳамда шу асосда қонуний ва асосли хулосага келган.

Жумладан, суд томонидан чиқарилган ҳукмда баён этилган хулосалар ишдаги ҳақиқий ҳолатларга тўлиқ мос келади. Ушбу хулосалар суд муҳокамаси жараёнида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94 ва



95-моддалари талабларига мувофиқ равишда текширилган ва баҳоланган ишончли, ўзаро боғлиқ ҳамда етарли далиллар мажмуасига асосланган.

Хусусан, судланган Д.Абдуллаевнинг айби иш бўйича мавжуд бўлган далиллар, яъни билдирги, жабрланувчининг аризаси, тушунтириш хатлари, нарсани кўздан кечириш ва юзлаштириш баённомалари ҳамда бошқа объектив ва ишончли далиллар билан тўлиқ тасдиқланган. Мазкур далиллар ўзаро уйғунликда таҳлил қилиниб, суд томонидан уларга тўғри ҳуқуқий баҳо берилган.

Шу билан бирга, судлов ҳайъати прокурор протестида келтирилган важларни ҳар томонлама муҳокама қилиб, уларни асосли деб топади.

Биринчи инстанция суди томонидан судланган Д.Абдуллаевнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган бўлса-да, шу модданинг 4-қисмининг “б” банди билан квалификация қилиниши нотўғри ҳисобланади.

Иш материалларига кўра, Д.Абдуллаев томонидан содир этилган жиноят жабрланувчи А.Одиловни алдаш ва унинг ишончига кириш орқали амалда мавжуд бўлмаган, яъни унинг эғалигида ёки фойдаланувида бўлмаган “Malibu-2” русумли автомашинани 24.000 АҚШ долларига сотишини ваъда қилиб, ундан 1.000 АҚШ доллари миқдорида пул маблағини олиб, уни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганликда ифодаланади. Мазкур жиноят 2025 йил 30 январь куни содир этилган.

Шунингдек, иш ҳужжатларига кўра, Сирдарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 15 декабрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2025 йил 8 июлдаги ҳукми ўзгартирилиб, Д.Абдуллаевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59 ва 61-моддалари, шунингдек 59-моддасининг 8-қисми тартибида 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳамда у ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Бирок, Ўзбекистон Республикаси ЖК 34-моддасининг 7-банди талабларига кўра, шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишга оид қоидалар фақатгина у ушбу жиноятни содир этгунга қадар белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлсагина қўлланилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда эса, Д.Абдуллаев томонидан фирибгарлик жинояти содир этилган вақтда у суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилмаган.

Демак, унинг ҳаракатларини ЖК 25,168-моддаси 4-қисмининг “б” банди билан квалификация қилиш учун ҳуқуқий асос мавжуд эмас.

Шу сабабли, дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди томонидан унинг ҳаракатлари мазкур банд билан ортикча квалификация қилинган ҳамда бу ҳолат нотўғри ҳуқуқий ёндашувга олиб келган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди ҳукмини тўлиқ асосли ва қонуний деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки унда жиноятни квалификация қилишда моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан Д.Абдуллаевга нисбатан жазо тайинлашда унинг шахсини, оилавий шароитини, моддий



аҳволини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорларининг раҳбарий кўрсатмаларига риоя этиб, иш бўйича барча жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олган ҳолда мазкур модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖК 59-моддасининг 8-қисми ҳамда 61-моддаси тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни белгилаб, тўғри хулосага келган.

Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати, кассация протестини қаноатлантириб, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509⁹, 509¹⁰-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2025 йил 18 декабрдаги **Абдуллаев Дилмурод Абдуллаевич** (Abdullayev Dilmurod Abdullayevich)га оид ҳукми ўзгартирилсин.

Абдуллаев Дилмурод Абдуллаевичнинг ҳаракатларидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 4-қисмининг “б” банди чиқарилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Кассация протести қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Тошкент шаҳар судига тафтиш тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ф.Тураходжаев

Ҳайъат судьялари:

Ж.Одилов

Б.Жураев

